



**Ilmiy amaliy  
jurnal  
№ 12 (14)  
2025**

**YANGI  
O'ZBEKISTON  
IQTISODIYOTI**

**“YANGI O‘ZBEKISTON IQTISODIYOTI” *jurnali* 12-son 2025 yil**

---

**O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI  
OLY TA‘LIM, FAN VA INNOVATSIYALAR VAZIRLIGI**

**MIRZO ULUG‘BEK NOMIDAGI  
O‘ZBEKISTON MILLIY UNIVERSITETI**

**YANGI O‘ZBEKISTON IQTISODIYOTI**

**12**

**ISBN 978-9943-5256-3-4**

**Toshkent – 2025**

**MUNDARIJA**

<b>Юлдашев Ш.Г.</b> Редкоземельные металлы в новой геоэкономике: глобальные стратегии и приоритеты развития республики Узбекистан.....	7
<b>Tursunov A.M.</b> Совершенствование экономических механизмов функционирования отрасли.	18
<b>Umurzakova Z.S.</b> Sanoat korxonalarida reklama faoliyati samaradorligini aniqlashning uslubiy jihatlari.....	21
<b>Axunov M.A.</b> Korxonalarda raqobatbardoshlikni baholash uchun tanlangan omillar.....	24
<b>Исраилова Д.К.</b> “Аёллар дафтари” маҳаллабай тизими - аёллар бандлиги ва фаровонлигини таъминлаш омили сифатида.....	28
<b>Шокирова Г.М.</b> Критерии разделения целевой аудитории в сфере цифрового маркетинга.....	33
<b>Vaxtohonova D.N.</b> Bank omonatlari bo‘yicha marketing strategiyalari va ularning real daromadlikka ta’siri.....	36
<b>Xasanova X.F.</b> Investitsilar hisobiga asoslangan xolatda moliyaviy hisobotning xalqaro standartlari tashkil etish tartibi.....	41
<b>Бегимова Д.К.</b> Разработка отраслевых стратегий в Узбекистане.....	45
<b>Mirzayev B.S.</b> CBDC joriy etilishining moliyaviy barqarorlikka ta’siri: imkoniyatlar va xatarlar....	50
<b>Mirzarahimova A.A.</b> Raqamli texnologiyalar asosida sanoat korxonalarida samaradorlikni oshirish yo‘nalishlari.....	53
<b>Азимов О.Т.</b> Ҳалол молиялаштириш инструменти сифатида мурабаха: анъанавий кредит билан қиёсий таҳлил.....	56
<b>Халмирзаев А.А.</b> Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги ихтисослашувини такомиллаштиришнинг асосий йўналишлари.....	62
<b>Шоабдурахимова М.М.</b> Повышение производственной эффективности на предприятиях электронной промышленности на примере Artel Electronics (Узбекистан).....	68
<b>Xolmuratov O.T.</b> Futbol maktablarimiz rivojlanishida xorij mamlakatlari menejmenti va marketingi tajribasi.....	72
<b>Yarashev M.O., Nabieva S.A.</b> Aksiyadorlik jamiyatlarini asosiy va moliyaviy faoliyati samaradorligini oshirish yo‘llari.....	76
<b>Кабилова К.</b> Тадбиркорлик соҳасида коррупциянинг олдини олиш амалиётининг бугунги ҳолати таҳлили.....	80
<b>Махмудова С.</b> Бюджет соҳасини коррупциядан ҳимоя қилишнинг иқтисодий ва ҳуқуқий чоралари.....	85
<b>Захидова Ш.Ш.</b> Университет барқарорлигини таъминлашда унинг фаолиятини халқаро стандартларга мос келадиган тартибда такомиллаштириш.....	89
<b>Saidaxmedov N.X.</b> Raqamli texnologiyalar asosida engil sanoat korxonalarida mehnat unumdorligini oshirish mexanizmlari.....	97
<b>Усманова С.С.</b> Влияние государственной поддержки и регулирование на развитие инноваций на промышленных предприятиях.....	100
<b>Madrahimov U.A.</b> Iqtisodiy o‘shish va kapitaldan samarali foydalanishni optimallashtirish yo‘nalishlari.....	104
<b>Джалилов Д.А.</b> Капиталнинг ялпи ички маҳсулотдаги улушини баҳолаш.....	108
<b>Султанова Л.Ш.</b> Абсорбционная способность как медиатор трансформационного экономического роста: теоретические основы.....	111
<b>Mahmudov Sh.N.</b> Location and development of industrial sectors in the regions.....	115
<b>Ustadjalilov D.R.</b> O‘zbekistonda klasterlarni rivojlantirishning institutsional asoslari transformatsiyasi: direktiv modeldan bozor tamoyillariga.....	119
<b>Гайбуллаев Ф.</b> Олий таълимда коррупцияга ўрин бўлмаслиги керак!.....	125
<b>Abdurazakova F.D., Normurodov X.E.</b> Aholi moliyaviy savodxonligi va moliyaviy madaniyati o‘rtasidagi oshirish imkoniyatlarini baholash.....	129
<b>Muxtarov M.M.</b> Rivojlangan mamlakatlar tajribasi asosida sanoat klasterlarini shakllantirish modellari: O‘zbekiston uchun istiqbollar.....	136
<b>Ro‘zmatov B.Z., Shodiyeva N.H.</b> Turistik infratuzilmani rivojlantirish bo‘yicha xalqaro tajriba va uning taqqoslovchi tahlili.....	140

<b>Rahmatova N.A., Mustafayeva H.</b> O‘zbekistonda pensiya ta‘minoti tizimining muammolari va hal etish yo‘llari.....	<b>147</b>
<b>Ахмедов Х.</b> Тинчлик ва хавфсизлик — барқарорлик, иқтисодий ўсиш ва фаровонлик гарови.	<b>154</b>
<b>Boboyev A.Ch.</b> Qishloq xo‘jaligida ishlab chiqarishni barqaror rivojlantirish yo‘nalishlari.....	<b>159</b>
<b>Исраилов З.А.</b> Яшил иқтисодиёт технологиялари: халқаро тажриба ва қиёсий таҳлил.....	<b>165</b>
<b>Ikromov A.Sh.</b> Mahalliy korxonalarda mahsulot raqobatbardoshligini boshqarish amaliyotining o‘ziga xos xususiyatlari.....	<b>169</b>
<b>Ҳалмирзаев А.А., Қодиров Б.Ш.</b> Ёшлар бандлигини таъминлашнинг хорижий тажрибалари.....	<b>175</b>
<b>Elmurodov Sh.Sh.</b> A framework for integrating fiscal risks into the assessment of regional financial security.....	<b>183</b>
<b>Axmadjonov S.S.</b> Tadbirkorlik va biznesni qo‘llab – quvvatlashni baholash mezonlari.....	<b>188</b>
<b>Sabirova Z.U.</b> Sanoat va sanoat korxonalarining raqamli transformatsiyasi jarayonlarini tahlil qilishga uslubiy yondashuv.....	<b>192</b>
<b>Pardayev T.N., Alimuxamedov Sh.R.</b> Chetdan olib kelinayotgan tovarlarning bojxona qiymatini aniqlashni takomillashtirishning ayrim masalalari.....	<b>197</b>
<b>Кадыров А., Исхаков А.К., Турсунова Н.Х.</b> Реализация механизма стратегического управления акционерного общества «Узавтосаноат» на основе прогнозирования его развития.....	<b>203</b>
<b>Zoxidov T.M.</b> Moliyaviy hisobotni buxgalteriya hisobining milliy standartlaridan (BHMS) moliyaviy hisobotning xalqaro standartlariga (MHXS) o‘tkazishning muammolari va yechimlari.....	<b>211</b>
<b>Nabiyeva N.M.</b> Turizm xizmatlari bozorida hududiy destinatsiyalar samaradorligini o‘rganish.....	<b>216</b>
<b>Sharofiddinov Sh.U.</b> Xo‘jalik yurituvchi sub’ektlarda mhxs asosida tuzilgan moliyaviy natijalar to‘g‘risidagi hisobotni axborot manbai sifatidagi afzalliklari.....	<b>221</b>
<b>Nurmatov Z.Sh.</b> O‘zbekiston respublikasida moliyaviy hisobotlarning xalqaro standartlarini (MHXS) joriy etishning iqtisodiy ahamiyati va amaliy dolzarbligi.....	<b>225</b>
<b>Содиқов А.М., Зокиров С.С.</b> Саноатни модернизациялаш ва диверсификациялашнинг янги стратегияси.....	<b>230</b>
<b>Narmanov U., Ikromova S.</b> Fond bozorlariga xorijiy investorlarni jalb qilishni rag‘batlantirish yo‘nalishlari.....	<b>238</b>
<b>Qutbiddinov A.B.</b> Samarali faoliyat imkoniyatlarini amalga oshirishda boshqaruv xodimlari qobiliyatlaridan foydalanish darajasi va uni oshirish imkoniyatlari.....	<b>241</b>
<b>Qayumova Sh.S.</b> Mahalliy xomashyo bazasiga ega sanoat korxonalarida investitsiya samaradorligini belgilovchi omillar va ularni oshirishning vertikal integratsiya asosidagi optimallashtirilgan modeli.....	<b>246</b>
<b>Turebekov A.A.</b> Ishlab chiqarish xarajatlarining iqtisodiy sifatining tahlili.....	<b>252</b>
<b>Kurbanova M.N., Azizov A.A.</b> Qadimgi klassik iqtisodiy maktablarning shakllanishi va ularning zamonaviy iqtisodiyot rivojlanishiga ta‘siri.....	<b>255</b>
<b>Samadova G.S.</b> O‘zbekiston iqtisodiyotida tarkibiy o‘zgarishlarning iqtisodiy o‘shishga ta‘siri.....	<b>259</b>
<b>Абдуллаева Р.</b> Инклюзив тadbirkorликнинг моҳияти ва хориж тажрибаси.....	<b>264</b>
<b>To‘uchiyeva B.V.</b> Oziq-ovqat sanoati korxonalarini barqarorligini ta‘minlashda strategik boshqarishning dolzarbligi.....	<b>268</b>
<b>Amnah Saeed J Alhindi</b> The role of financial resources in ensuring corporate financial stability.....	<b>272</b>
<b>Fayziyev O.R.</b> O‘zbekistonda baliqchilik klasterlarini moliyalashtirishning hududiy va tarmoq xususiyatlari.....	<b>276</b>
<b>Алимов Р.А., Султанова Л.Ш.</b> Абсорбционная способность и искусственный интеллект: многоуровневая модель и фигура нового интеллектуала.....	<b>280</b>
<b>Teshayev Z.J., Muxitdnov Sh.X.</b> Logistika xizmat ko‘rsatish korxonalarini resurslaridan foydalanishning hududiy iqtisodiy rivojlanishiga ta‘siri.....	<b>284</b>
<b>Xaydarov X.U., Raxmonov D.R.</b> 1907-yilgi moliyaviy inqiroz: sabablari, kechishi va jahon moliya tizimiga ta‘siri.....	<b>288</b>
<b>Солижонов М.А.</b> Ўзбекистон монетар сиёсатининг савдо балансига таъсирини баҳолаш....	<b>292</b>
<b>Rejarov X.X.</b> Davlat xarajatlarining samaradorligini baholash mexanizmlari.....	<b>297</b>

КАПИТАЛНИНГ ЯЛПИ ИЧКИ МАҲСУЛОТДАГИ УЛУШИНИ БАҲОЛАШ

ОЦЕНКА ДОЛИ КАПИТАЛА В ВАЛОВОМ ВНУТРЕННЕМ ПРОДУКТЕ

ESTIMATING THE SHARE OF CAPITAL IN GROSS DOMESTIC PRODUCT

Джалилов Достонбек Абдуазизович

Макроиктисодий ва ҳудудий тадқиқотлар институти лойиҳа раҳбари

**Аннотация**

Ушбу мақолада 2015–2024 йиллар учун Ўзбекистон иқтисодиётида капиталнинг ЯИМдаги улуши Кобб–Дуглас ишлаб чиқариш функцияси ҳамда вақт қаторларининг ностационарлигини ҳисобга олувчи эконометрик усуллар асосида баҳоланади. Статистик тест натижалари ўзгарувчиларнинг  $I(1)$  эканлигини кўрсатиб, ўзгарувчиларни биринчи тартибли айирмаси асосида оддий энг кичик квадратлар усули ва оддий энг кичик квадратлар усулининг қўлланилиши мумкинлигини кўрсатди. Тадқиқот натижаларига кўра, капитал улуши 0,48, меҳнат улуши 0,52 бўлиб, ҳар икки кўрсаткич ҳам 1 фоизлик даражада статистик аҳамиятга эга.

**Калит сўзлар:** Капитал улуши; Кобб–Дуглас ишлаб чиқариш функцияси, тўлиқ мукаммаллаштирилган оддий энг кичик квадратлар усули, ишлаб чиқариш омилларининг улуши

В работе оценивается доля капитала в ВВП Узбекистана за 2015–2024 годы на основе производственной функции Кобба–Дугласа и эконометрических методов, учитывающих нестационарность временных рядов. Тесты на единичный корень показали, что переменные являются  $I(1)$ , что обусловило применение как МНК, так и полностью модифицированного МНК (FMOLS). Наиболее надёжные результаты получены с помощью FMOLS: доля капитала составляет 0,48, доля труда – 0,52, обе статистически значимы на уровне 1 %.

**Ключевые слова:** Доля капитала, производственная функция Кобба–Дугласа, полностью модифицированный МНК (FMOLS); Вклад факторов производства.

This paper estimates the share of capital in Uzbekistan’s GDP for 2015–2024 using a Cobb–Douglas production function and econometric methods addressing non-stationary time series. Unit root tests show variables are  $I(1)$ , motivating the use of both OLS and Fully Modified OLS (FMOLS). FMOLS provides the most reliable results, indicating a capital share of 0.48 and a labor share of 0.52, both significant at the 1% level.

**Keywords:** Capital share, Cobb–Douglas production function, Fully Modified OLS, Factor contributions

Иқтисодий ўсиш манбалари ва уларнинг иқтисодий ўсишдаги ҳиссасини аниқлаш макроиктисодий таҳлилнинг энг муҳим йўналишларидан бири ҳисобланади. Хусусан, ялпи ички маҳсулотнинг шаклланишида капитал билан меҳнат омилларининг улушини баҳолаш мамлакат иқтисодиётида қандай омиллар устувор кучга эга эканлигини, инвестиция сиёсатининг самарадорлигини ва меҳнат бозоридаги ўзгаришларни илмий асосда баҳолаш имконини беради. Ишлаб чиқариш омиллари улушининг аниқланиши иқтисодий сиёсатни режалаштириш, ресурслар тақсимотини оптималлаштириш ва келгуси барқарор ўсиш салоҳиятини баҳолашда ҳам муҳим амалий аҳамиятга эга.

Капиталнинг ЯИМдаги улушини баҳолаш долзарб муаммоларидан бири бўлиб, одатда, капиталнинг ЯИМдаги улушини миллий ҳисобчилик тизими, регрессия моделлари ҳамда иқтисодий моделлар асосида аниқлаш мумкин. Капиталнинг ЯИМдаги улушини баҳолаш

мамлакат иқтисодиётида ишлаб чиқариладиган маҳсулотларнинг қанча қисми капитал асосида ишлаб чиқарилаётганлигини аниқлаб беради.

Капиталнинг ЯИМдаги улушини баҳолашда ишлаб чиқариш функциялари орқали баҳолаш мумкин. Бунда эконометрик усуллар асосида капиталнинг ЯИМдаги улушини баҳолашдаги асосий муаммолардан бири ишлаб чиқариш функциясидаги ўзгарувчиларнинг вақтга асосан ностационарлигидир. Тадқиқотларда капиталнинг улушини аниқлашда биринчи фарқлар орқали стационарлик муаммолари ҳал этилган бўлсада, бу усул ўзгарувчиларга оид узок муддатли маълумотларни қаторлардан чиқариб ташлайди, ишлаб чиқарувчи омиллар тўғрисида тўлиқ маълумотни бермайди.

Тадқиқотларда Ўзбекистон иқтисодиётида капиталнинг ЯИМдаги улуши аниқланган. Жумладан, Макроиқтисодий тадқиқотлар ва прогнозлаштириш институти томонидан капиталнинг ЯИМдаги улуши 1997-2010 йилларда 0.26-0.39 га тенглиги аниқланган. С.В. Чепел тадқиқотида капиталнинг ЯИМдаги улуши 1997-2014 йилларда 0.25 га тенглигини аниқлаган. Жаҳон банки тадқиқотида капиталнинг ЯИМдаги улуши ўртача 0.3 га тенглигини аниқлаган. Бироқ, тадқиқотларнинг аксариятида капиталнинг ЯИМдаги улуши 2016 йилгача бўлган давр учун баҳоланган. 2015-2024 йилларда иқтисодиётнинг барқарор юқори ўсиш суръатларини таъминлаш мақсадида асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг юқори ўсиш суръатига эга бўлиб, асосий капиталга киритилган инвестициялар ҳажми 2024 йилда капитал жамғарилиши 2017 йилга нисбатан 2.9 баробарга кўпайган. Агарда амортизация коэффицентини доимий деб тахмин қилинадиган бўлса, капитал жамғарилиши мазкур 2024 йилда 2017 йилга нисбатан 2.4 баробарга кўпайган. Бу эса, ўз навбатида, капиталнинг улушини 2015-2024 йилларда ўзгаришига таъсир қилади ва шу сабабли, эконометрик усуллар асосида капиталнинг ЯИМдаги улушини мазкур давр оралиғи учун баҳолаш долзарб ҳисобланади.

Капиталнинг ЯИМдаги улушини аниқлашдан олдин ўзгарувчилар стационарлик тестига текширилади. Бирлик илдиз тестига текширгандан сўнг қайси усул ишончли натижа беришини аниқлашимиз мумкин. Аниқланган натижаларга кўра, ўзгарувчиларнинг вақтга нисбатан ностационарлиги аниқланди. Ўзгарувчиларнинг биринчи айирмалари эса вақтга нисбатан стационарлиги аниқланди.

1-жадвал

Дикки Фуллернинг бир илдиз тести натижалари [1]

Ўзгарувчилар	$H_0$ бир илдиз:			
	Тест статистикаси	1% критик қиймат	5% критик қиймат	10% критик қиймат
$Gdp_t$	0.100	-3.736	-2.994	-2.628
$Capital_t$	2.470	-3.736	-2.994	-2.628
$Employment_t$	-2.758	-3.736	-2.994	-2.628
$gdp_t$	0.174	-3.736	-2.994	-2.628
$k_t$	0.843	-3.736	-2.994	-2.628
$\Delta Gdp_t$	-5.385	-3.743	-2.997	-2.629
$\Delta Capital_t$	-2.322	-3.743	-2.997	-2.629
$\Delta Employment_t$	-6.065	-3.743	-2.997	-2.629
$\Delta gdp_t$	-5.747	-3.743	-2.997	-2.629
$\Delta k_t$	-5.201	-3.743	-2.997	-2.629

Юқорида келтирилган натижаларга кўра, капиталнинг ЯИМдаги улуши оддий ва тўлиқ мукаммаллаштирилган энг кичик квадратлар усули асосида баҳоланди. Бунда, ЯИМдаги улушини ўзгарувчиларнинг биринчи айирмалари асосида оддий энг кичик квадратлар усули асосида баҳолаш мумкинлиги ёки ўзгарувчилар тўғрисида маълумотлар йўқолиб кетмаслиги учун тўлиқ мукаммаллаштирилган оддий энг кичик квадратлар усули ҳам қўлланилди.

Аниқланган натижаларга кўра, биринчи айирмалари асосида аниқланган капиталнинг ЯИМдаги улуши 0.4 га тенглиги, иқтисодий бандларнинг улуши эса 0.60 га тенглиги

аниқланди. Мазкур аниқланган коэффициентлар 1 % аҳамиятсизлик даражасида ҳам статистик жиҳатдан аҳамиятли эканлиги аниқланди. Биринчи айирмалар усули орқали аниқланган натижалар ўзгарувчиларга оид тўлиқ маълумотлар бера олмаслиги учун тўлиқ мукаммаллаштирилган энг кичик квадратлар усули билан аниқланган натижага кўра, капиталнинг ЯИМдаги улуши 0.48 га тенглиги маълум бўлди. Шундан келиб чиққан ҳолда иқтисодий банд аҳолининг ЯИМдаги улуши 0.52 га тенглиги маълум бўлди. Шу билан бирга мазкур баҳоланган коэффициентлар 1 % аҳамиятсизлик даражасида ҳам статистик жиҳатдан аҳамиятли эканлиги аниқланди (2-жадвал).

2-жадвал

Регрессия моделларининг натижалари [2]

Мустақил ўзгарувчилар	Модел(1)	Стандарт хатолиги	Модел(2)	Стандарт хатолиги
$\Delta Capital_t$	0.40	(0.066)***	-	-
$\Delta Employment_t$	0.60	(0.066)***	-	-
$k_t$		-	0.48	(0.003)***
$R^2$	0.35		0.87	
Кузатувлар сони	31		32	

Юқорида келтирилган натижаларга кўра, тўлиқ мукаммаллаштирилган энг кичик квадратлар усули асосида аниқланган натижалар ишончли ҳисобланади. Аниқланган натижа Жаҳон банки аниқлаган коэффициентидан 0.18 бирликка, Макроиқтисодий тадқиқотлар ва прогнозлаштириш институти аниқлаган қийматдан 0.09 бирликка ҳамда Фенстра аниқлаган коэффициентидан 0.05 бирликка кам эканлиги аниқланди. Тадқиқотда аниқланган натижаларнинг бошқа тадқиқотларда аниқланган натижалари асосий капиталга ўзлаштирилган инвестицияларни юқори ўсиш суръатига эга бўлган ва шу сабабли, мазкур тадқиқотда аниқланган натижа юқори баҳоланди. Фенстра тадқиқотидаги натижадан кичик бўлиши эса, мазкур тадқиқотда капитал жамғарилиши 7 %лик амортизацияга эга бўлиши тахмин қилинган. Ўзбекистон иқтисодиёти учун баҳоланган капиталнинг ЯИМдаги улушининг бошқа ривожланаётган мамлакатлар иқтисодиётидаги улушига яқин қиймат эканлиги аниқланди. Хусусан, Руминияда 2019 йилда (0.45), Польшада ҳам (0.45), Болгарияда эса (0.50) тенглиги баҳоланган. [3] Фенстра тадқиқотида 2019 йилда Россияда (0.46), Қозоғистонда (0.62), Арманистонда (0.45) тенглигини баҳолаган. [4]

Тадқиқотда олинган натижаларга кўра, тўлиқ мукаммаллаштирилган энг кичик квадратлар усули бўйича аниқланган натижа ишончли ҳисобланади. Мазкур усул ЯИМни Кобб-Дуглас ишлаб чиқариш модели билан ифодалашда биринчи айирмалар усули асосида аниқланган усули билан аниқланган натижаларга кўра кўпроқ маълумот беради. Хусусан, тўлиқ мукаммаллаштирилган усул орқали аниқланган натижа орқали капитал ва иқтисодий банд аҳолидан ташқари умумий самарадорлик ҳар бир кузатув даврида қанча эканлиги тўғрисида маълумот олиш мумкин.

Капиталнинг ЯИМдаги улуши 0.48 га тенг бўлиши Ўзбекистонда асосий капиталга ўзлаштирилган инвестицияларнинг кузатув даврида юқори ўсиш натижасида ошганлиги маълум бўлади. Бу эса қиймат ривожланаётган давлатларда ҳам капиталнинг ЯИМдаги улуши Ўзбекистон учун аниқланган қийматдан катта фарққа эга эмаслиги, баҳоланган коэффициент Ўзбекистон иқтисодиёти учун мос эканлигини ифодалайди. Шу сабабли, капитал улушини олдинги даврларга нисбатан ошганлиги боис ялпи омиллар самарадорлигини 2015–2024 йилларда иқтисодий ва потенциал ўсишга таъсирининг кўлами олдинги даврларга нисбатан камайганлиги аниқланди. Бу эса иқтисодиётда ишга туширилган янги технологиялар иқтисодиёт қабул қилиб олмаганлиги билан изоҳлаш мумкин.

Шу сабабли, кейинги даврларда Ўзбекистонда барқарор иқтисодий ўсишни таъминлаш ва ресурслар самарадорлигини оширишда қуйидагиларни амалга ошириш тақлиф этилади:

инвестицияларни юқори қўшилган қиймат яратувчи тармоқлар ва соҳаларга йўналтириш. Бунда, юқори технологик маҳсулот яратувчи саноат тармоқларига ва билимларга асосланган хизматлар соҳаларига инвестицияларни йўналтириш;

ялпи омиллар самарадорлигининг иқтисодий ўсишга қўламини оширишда институтчионал ва таркибий ислохотларни давом эттириш. Бунда, хусусий инвестицияларни рағбатлантирадиган, бизнес муҳитини яхшилайдиган ва технологик ривожланишни фаоллаштирадиган йўналишлардаги ислохотларни давом эттириш.

**Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. Чепель С.В. Системный анализ и моделирование перспектив устойчивого развития национальной экономики Узбекистана: монография. Ташкент: IFMR (2014).
2. PĂUNA B. & Georgescu G. (2021). EU’s CAM and Potential GDP Estimates. Some Inconsistent Results in the Case of Romania. *Romanian Journal of Economic Forecasting*, 24(1), 5.
3. Feenstra R.C., Inklaar R. & Timmer M.P. (2015). The next generation of the Penn World Table. *American economic review*, 105(10), 3150-82.
4. Trushin E. (2018). Growth and Job Creation in Uzbekistan: A In-depth Diagnostic.
5. Gollin D. (2002). Getting Income Shares Right. *Journal of Political Economy*, 110(2), 458–474
6. Aquino-Chávez J.C., Ramírez-Rondán N. (2020). Estimating Factor Shares from Nonstationary Panel Data. *Empirical Economics*, 59, 1663–1700.
7. Caselli F., Feyrer J. (2007). The Marginal Product of Capital. *Quarterly Journal of Economics*, 122(2), 535–568.
8. Jones C.I. (2003). Growth, Capital Shares, and a New Perspective on Production Functions. FRBSF manuscript / working paper.

**УДК: 330.35**

**АБСОРБЦИОННАЯ СПОСОБНОСТЬ КАК МЕДИАТОР ТРАНСФОРМАЦИОННОГО ЭКОНОМИЧЕСКОГО РОСТА: ТЕОРЕТИЧЕСКИЕ ОСНОВЫ**

**ABSORBSION SALOHİYAT TRANSFORMATSION IQTISODIY O‘SISHNING VOSITACHISI SIFATIDA: NAZARIY ASOSLAR**

**ABSORPTIVE CAPACITY AS A MEDIATOR OF TRANSFORMATIONAL ECONOMIC GROWTH: THEORETICAL FOUNDATIONS**

**Султанова Л.Ш.** к.э.н., доц. доцент кафедры «Макроэкономика» Национального университета им. Мирзо Улугбека

**Аннотация**

В статье развивается теоретико-методологический подход к анализу экономического роста на основе концепции абсорбционной способности экономики. Обосновывается положение о том, что инновации, технологические заимствования и внешние потоки знаний не оказывают прямого воздействия на долгосрочный экономический рост и рост производительности труда, а реализуются через медиаторный механизм абсорбционной способности. Сделанные выводы расширяют теорию экономического роста и имеют значение для анализа трансформационного развития.

**Ключевые слова:** абсорбционная способность, трансформационная способность, экономический рост, производительность труда, инновации, экономическая теория.

Maqolada iqtisodiy o‘shishni tahlil qilishga doir nazariy-uslubiy yondashuv iqtisodiyotning absorbtsion salohiyati konsepsiyasi asosida rivojlantiriladi. Innovatsiyalar, texnologik o‘zlashtirishlar